

## Усти ялтироқ Оврўпа



16:00 / 22.03.2019 6718

Ричард Билл, англиялик олим:

«Оврўпа катта инқирозлар арафасида турибди. Унинг ялтироқ, кўз ўйнатувчи сатанглиги ортида ахлоқсизлик, жоҳиллик, ваҳшат, қалб хасталиклари, ўз жонига қасд қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, номус топталиши ва бошқа иллатлар яширинган. Ўзаро ҳурмат, ишонч, муҳаббат туйғулари йўқолиб боряпти. Инсоний хислатларнинг унутилиб кетаётгани жуда аянчли. Оврўпалик кишилар бугун фақат моддий дунё ҳисобигагина кун кечирмоқда. Ўлим қўрқуви уларни домига тортган. Оилавий бирдамлик ва унинг аъзолари орасида алоқалар бузилиб боряпти. Давлат кишилари бу муаммолардан чиқиш эшигини топа олмай гаранглар. Бугун Оврўпанинг қаршисида нажотнинг ягона йўли – Ислом йўли турибди. Ундан бошқа ҳеч қандай чора йўқ!»